O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Xalq Deputatlari
Qo'shrabot tuman
Kengashi
QARORI

РЕШЕНИЕ
Кушрабадский районный
Кенгаш народных
депутатов
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 йил 10 июль **№ 30-7-сон** **ш. Қўшработ**

Қўшработ туманида янги "Намуна" маҳалласини ташкил этиш тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг "Қўролос" маҳалласи таркибидан янги "Намуна " маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни қайд этади.

"Қўролос" маҳалласида 1172 та оила яшайди. Унинг таркибидаги Пастки Қўролос, Бирлик, Янгиқишлоқ гузарлари ва Истиқлол, Янгиобод кўчалари жойлашган ҳудуддадаги 693 та оилада 3193 нафар аҳоли истиқомат килади.

"Қўролос" маҳалла фукаролар йиғини Кенгашининг маҳалла таркибидан янги "Намуна" маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи, маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори асосида ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимига илтимосномаси киритилди ҳамда мазкур илтимоснома Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси томонидан маъқулланиб, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги топономик объектларга ном қўйиш комиссиясининг йиғилиш баёни билан ижобий хулоса берилди, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан янги ташкил этиладиган маҳалланинг ҳудуди чизмалари белгиланди.

"Қўролос" маҳалла фуқаролар йиғинининг маҳалла таркибидан янги "Намуна" маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар ва овуллардаги маҳаллаларни бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига тўлик мос келади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг "Қўролос" маҳалласи таркибидан янги "Намуна" маҳалласини ташкил

этиш тўғрисидаги таклифига асосан ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокими Х.Оқбутаевнинг “Қўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги аҳбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг “Қўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” махалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. “Қўролос” маҳалласи ҳудудидаги Пастки Қўролос, Бирлик, Янгиқишлоқ гузарлари ва Истиқлол, Янгиобод кўчаларини ўз ичига олувчи “Намуна” маҳалла фуқаролар йигини ташкил этилсин.

4. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалласининг чегараларини акс эттирган ва тавсифлаган ҳудуди чизмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалла фуқаролар йигинига бино ажратиш ва маҳалла фуқаролар йигини таркибини шакллантиришга қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалий ёрдам қилиш туман ҳокимлигидан сўралсин.

6. “Намуна” маҳалла фуқаролар йигини ташкил этилиши муносабати билан маҳалла фуқаролар йигини худудидаги оила(хўжалик)лар сонини ҳисобга олган ҳолда барча молиявий (штат бирликлари, моддий ёрдам, болалар нафақалари ва бошқа) ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш туман Молия бўлими (А.Холматов) зиммасига юклансин.

7. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинига муҳр ва тамға тайёрлашга рухсат бериш туман Ички ишлар бўлими (З.Сувонқулов)дан сўралсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун маҳаллага ном бериш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар юборилсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Шамсиева ва халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Тўхтаровлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Х.Оқбутаев**